

Ўзбекистон Республикаси бюджет гизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига 8-
ИЛОВА

2022 йил 7 сентябрдаги Қарши туман Ободонлаштириш бошқармаси ва
Қарши шахар "NASAF OMAD YO'L QURILISH" MCHJ ўртасида 220000000 умумий
сўммага тузилган №40491/2022 сонли шартномага

ТУЛОВЛАР ЖАДВАЛИ

Боб
Шахсий ғазна ҳисобварақ

110.
100022860102247045203110003.

(сумда)

2022 йил ойлари номи	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	42 33 100			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь	220 000 000,00			220 000 000,00
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил буйича	220 000 000,00			220 000 000,00

Жами: 220 000 000 (икки юз йигирма миллион) сўм

Юқорида кўрсатилган суммадан 66 000 000,00 сўм ёки шартнома умумий суммасининг 30% и олдиндан
2022 йил сентябрь ойида тўланиши керак.



Рахбар

Бош хисобчи

Газначилик булинмаси
ходими кабул килди

(имзо)

2022 йил "___"

(имзо)

Д. Даминов

(имзо)

Н. Зиятова

Бюджетдан маблаг олуви
ходими кабул килди

(имзо)

2022 йил "___"

Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси маҳсус ахборот парталида энг яхши таклифларни танлаш юзасидан жойлаштирилган 19.08.2022 йилги №22110012140491 лот рақамли танлов ўтқазиш тўғрисидаги эълон натижаси бўйича

**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ
(ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА)**

№40491/2022 сон

2022 йил «7 » сентябрь

Қарши шахар "NASAF OMAD YO'L QURILISH" МСНJ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбар Ф. Турсунов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиғи Д.Даминов иккинчи томондан, тегишли нуқсонлар далолатномаси асосида Қарши туман "OBOD YO'L QURILISH TA'MIR" МСНJ томонидан тайёрланган (Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги "Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси" ДУК томонидан 22.07.2022 йилги №52198 сонли жамланма экспертиза хulosasi билан тасдиқланган) лойиха смета хужжатларига асосан, Қарши тумани Навоий МФЙ худудидаги Ибн Сино кўчаси ички йўлларини "Менинг йўлим" лойиҳаси асосида жорий таъмирлашга (смета хужжатларида назарда тутилган ишлар хажми миқдорида) доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

«ижро хужжатлари»: — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар:

«курилиш майдони»: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилиган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

«вақтингчалик ишлар»: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар.

«беркитилган ишлар»: — сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиши: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ: Қарши тумани Навоий МФЙ худудидаги Ибн Сино кўчаси ички йўлларини "Менинг йўлим" лойиҳаси асосида жорий таъмирлаш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига ички йўллар жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган электрон танлов натижасидан аниқланган ва танлов комиссиясининг электрон шаклланган қарори (2022 йил 30 августдаги дастлабки электрон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 220 000 000 (икки юз йигирма миллион) сўмни ташкил этади. Шундан ҚҚС: 28 695 652.17 (йигирма саккиз миллион олти юз тўқсон беш минг олти юз эллик икки сўм, 17 тийин) сўм. Жорий таъмирлаш ишлари қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда; ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда; объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқда ўзгартирилганда.

4. Жорий таъмирлаш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилга ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга «_____» иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- «_____» иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;
- йўл қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор
- йўл қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш; қурилиш майдонини қўриклини таъминлаш; қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зинмасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. Буюртчининг мажбуриятлари

8. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 3 иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VII. Ишларни бажариш муддати

- Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:
кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун хужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:
- Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
- Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **60 (олтмиш) кунни** ташкил этади.
- Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VIII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

- Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказади, бу **66 000 000.00 (олтмиш олти миллион) сўмни** ташкил этади.
- Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади
- Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100% гача доирасида амалга оширилади.
- Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 0% гача миқдорида, амалга оширилади:
- Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳукуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.
- Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

- Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини — Техник аудиторини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
- Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳукуқига эгадир.

21. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.
22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
24. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.
26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.
27. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.
28. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.
29. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуктларида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
30. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбобускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник щартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.
31. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласди.
32. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
33. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.
34. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.
35. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда

тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишининг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тұлайди.

36. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ күча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақтайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб таштайди.

37. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинини ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлик тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш

38. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

39. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

40. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

41. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиласдилар.

42. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

43. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

44. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

45. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

46. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

47. Пудратчи: — барча ишлар түлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни; обьектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.
48. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган обьектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида бир ой этиб белгиланади.
49. Агар обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукуқига эга.
50. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиши қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

51. Буюртмачи: — шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган ҳолда;
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.
52. Пудратчи: — ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмагандা;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.
53. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.
54. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

55. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

56. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

57. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

— иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

— Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

58. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

59. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз радиша бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг фоизи миқдорида жарима тўлайди.

60. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.2 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди.

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонла ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади. Шартнома тегишли тартибда Газначиликда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга кириб, “7 сентябрь 2022 йилдан 31 декабрь 2022 йилгача амалда бўлади

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

ПУДРАТЧИ:

Қарши шахар "NASAF OMAD YO'L QURILISH" МСНJ

Манзили: Қарши ш, Араповул МФЙ, Озодлик №35 уй
тел\факс: +99897 954 77 33.

ХР: 20208000704995223001.

Банк номи: КАРШИ Ш. ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ
ИШТИРОКИДАГИ "САВДОГАР" АТБ ҚАШ. ф-ли.

МФО: 00154. СТИР: 302342174.

ОКОНХ: _____

Таъсисчи СТИР: 477199405



Рахбар: Турсунов Фаёз Пойнович

(имзо)

M.Y

БЮОРТМАЧИ:

Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси

Манзили: Қарши тумани, Бешкент шаҳри
тел\факс: _____

ШХР: 100022860102247045203110003.

МФО: 00014. Тошкент шахар Марказий банк
ХККМ. СТИР: 206808289.

ОКОНХ: 90211.

Газначилик: Уз. Рес. Молия Вазирлиги

Газначилиги СТИРи: 201122919.

Ягона ғазна Х/Р: 23402000300100001010.

Рахбар: Даминов Диёр

(имзо)

M.Y



**ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТҮҒРИСИДА ҲУҚУКИЙ
ХУЛОСА**

1. Лойиҳанинг тури: шартнома

2. Лойиҳанинг номи

Қарши шахар "NASAF OMAD YO'L QURILISH" MCHJ ва Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси ўртасида нархи 220 000 000.00 (икки юз йигирма миллион) сўмлик Қарши тумани Навоий МФЙ худудидаги Ибн Сино кўчаси ички йўлларини "менинг йўлим" лойихаси асосида жорий таъмирлаш Ғубдин МФЙ "Ғубдин" ва "Қозикенти" қишлоқларини боғловчи "Насаф" кўчаси ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш бўйича шартномаси

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳакидаги маълумот Қарши тумани ҳокимлиги, Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йил 6 сентябрь.

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Марказ бош юрисконсулти
2022 йил «6» сентябрь

А.Хомидов





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"NASAFA OMADLI YO'L QURILISH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"NASAFA OMADLI YO'L QURILISH" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

06.07.2012

1828

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

302342174

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Qashqadaryo viloyati, Qarshi shahri, ARALOVUL MFY OZODLIK
KO'CHASI 35-UY,

Guvohnoma:

Qashqadaryo viloyati, Qarshi shahri, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



**Yuridik shaxs to`g`risida ma`lumot
(Ro`yxatdan o`tkazuvchi va vakolatli organlar ma`lumoti asosida shakllantirildi)**

Umumiylar ma`lumot

INN:

Ro`yxatdan o`tkazuvchi organ:

Davlat ro`yxatidan o`tkazilgan sana:

Davlat ro`yxatidan o`tkazilgan raqami:

Yuridik shaxsning nomi:

Tashkiliy-huquqiy shakli:

IFUT kodi:

DBIBT kodi:

302342174
Tuman (shahar) hokimiyati
06.07.2012
1828
"NASAF OMADLI YO`L QURILISH" mas'uliyati cheklangan jamiyat
152 - Mas'uliyati cheklangan yoki qo'shimcha mas'uliyatli jamiyat
42110 - Yo'llar va shosselar qurish
79994 - Davlat va xo'jalik boshqaruvi organlari tarkibiga kirmagan tadbirkorlik sub'yektlari

Kichik tadbirkorlik sub`ektlariga

mansubligi:

Faoliyk holati:

Ustav fondi:

Boshqaruvchi haqida ma`lumot

Rahbarning F.I.SH.:


TURSUNOV FAYOZ POYONOVICH	
1. Tursunov Fayoz Poyonovich	93,00
2. Tursunov Farxod Poyonovich	7,00
3.	
4.	
5.	

Kontakt ma`lumotlari

Elektron pochta manzili:

DILFUZA1968@INBOX.UZ
906095757
1710401 - Qashqadaryo viloyati, Qarshi sh.
Aralovul mahallasi, Ozodlik ko'chasi, 35-uy

30/05/2022 uchun amal axborot



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FAMILIYASI
TURSUNOV

JISMI
FAYOZ

TOJIG'LAN SANASI
POYONOVICH

21 08 1976
TOJIG'LAN JOVI
QASHQADARYO VILOYATI

MILLATI
O'ZBEK

KIM TONGDAR JABORGAN
QASHQADARYO VILOYATI
QARSHI SHAHAR IIB

SHAHSIY IMZO / HOLDER'S SIGNATURE

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PASSPORT PASSPORT TUR/TYPE DAVLAT KODI / COUNTRY CODE
FAYOZ TURSUNOV P UZB AB8845914
PASPORT RADAMI / PASSPORT No.
TOJIG'LAN SANASI / DATE OF BIRTH
21 08 1976
TOJIG'LAN JOVI / PLACE OF BIRTH
QASHQADARYA REGION

FAMILIYASI / SURNAME
TURSUNOV

ISM / GIVEN NAMES

FAYOZ

FUDAROLIGI / NATIONALITY

UZBEKISTAN

TOJIG'LAN JAMASH / DATE OF BIRTH
21 08 1976
TOJIG'LAN JOVI / PLACE OF BIRTH
QASHQADARYA REGION

ISM / GIVEN NAMES

FARKHOD

FUDAROLIGI / NATIONALITY

UZBEKISTAN
TOJIG'LAN SANASI / DATE OF BIRTH
19 09 1978
TOJIG'LAN JOVI / PLACE OF BIRTH
KASHKADARYA REGION


PERSOHALASHTIRISH ORGANI / AUTHORITY
STATE PERSONALIZATION
CENTRE

BERIGAN SANASI / DATE OF ISSUE
09 02 2018
AMAL QUSHIMUDADI / DATE OF EXPIRY
08 02 2028

SHAHSIY IMZO / HOLDER'S SIGNATURE
P <UZBTURSUNOV<<FAYOZ<<<<<<<<<

AB88459144UZB7608210M28020803210876272004644

P <UZBTURSUNOV<<FARKHOD<<<<<<<<<<<<
AB92032704UZB7809198M28040393190978272010144



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FAMILIYASI
TURSUNOV

JISMI
ERKAK

TOJIG'LAN SANASI
POYONOVICH

19 09 1978
TOJIG'LAN JOVI
QARSHI TUMANI

MILLATI
O'ZBEK

KIM TONGDAR JABORGAN
QASHQADARYO VILOYATI
QARSHI SHAHAR IIB

SHAHSIY IMZO / HOLDER'S SIGNATURE

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PASSPORT PASSPORT TUR/TYPE DAVLAT KODI / COUNTRY CODE
FAYOZ TURSUNOV P UZB AB8845914
PASPORT RADAMI / PASSPORT No.
TOJIG'LAN SANASI / DATE OF BIRTH
19 09 1978
TOJIG'LAN JOVI / PLACE OF BIRTH
KASHKADARYA REGION

FAMILIYASI / SURNAME

ERKAK

FUDAROLIGI / NATIONALITY

UZBEKISTAN

TOJIG'LAN JAMASH / DATE OF BIRTH
19 09 1978
TOJIG'LAN JOVI / PLACE OF BIRTH
KASHKADARYA REGION

FAMILIYASI / SURNAME

FARKHOD

FUDAROLIGI / NATIONALITY

UZBEKISTAN
TOJIG'LAN SANASI / DATE OF BIRTH
19 09 1978
TOJIG'LAN JOVI / PLACE OF BIRTH
KASHKADARYA REGION

PERSOHALASHTIRISH ORGANI / AUTHORITY
STATE PERSONALIZATION
CENTRE

BERIGAN SANASI / DATE OF ISSUE
04 04 2018
AMAL QUSHIMUDADI / DATE OF EXPIRY
03 04 2028

SHAHSIY IMZO / HOLDER'S SIGNATURE
P <UZBTURSUNOV<<ERKAK<<<<<<<<<<<

AB88459144UZB7608210M28020803210876272004644

P <UZBTURSUNOV<<FARKHOD<<<<<<<<<<<
AB92032704UZB7809198M28040393190978272010144



Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармасининг, Товар хом-ашё биржаси маҳсус ахборот парталида 2022 йил 19 август кунидаги жойлаштирган №22110012140491 лот рақамли (энг яхши таклифларни танлаб олиш) эълонига мувофиқ, Қарши тумани Навоий МФЙ худудидаги Ибн Сино кўчаси ички йўлларини "Менинг йўлим" лойихаси асосида жорий таъмирлаш бўйича

ЙИФИЛИШ БАЁНИ №491/2022

Электрон танлаш асосида шакллантирилган баённома Қарори юзасидан, танлаш иштирокчилари томонидан эътиrozлар қабул қилиш (2 иш кунлик), ёки муҳокама мuddати ўтиб, якуний натижаларни эълон қилиш ва танлаш ғолиби билан шартнома имзолаш юзасидан

БАЁН

Қарши тумани

"6" сентябрь 2022 йил

Комиссия раиси

Ободонлаштириш бошқармаси механизми

И. Худойназаров

Комиссия аъзолари

Ободонлаштириш бошқармаси Тех низоратчиси

И. Исломов

Ободонлаштириш бошқармаси Инфратузимга обеъктларидан фойдаланиш бўлими бошлиги

И. Хасанов

Ободонлаштириш бошқармасининг

О. Шербоев

Техника ҳафсизлиги мухандиси

М. Турсунов

Ободонлаштириш обеъктларини сақлаш бўлими бошлиги

Кун тартибидаги куриладиган масала:

1. Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармасининг, Товар хом-ашё биржаси маҳсус ахборот парталида 2022 йил 19 август кунидаги жойлаштирган №22110012140491 лот рақамли бошлангич нархи 226,898,460.00 сўмлик, энг яхши таклифларни танлаш эълонига мувофиқ, (Қарши тумани Навоий МФЙ худудидаги Ибн Сино кўчаси ички йўлларини "Менинг йўлим" лойихаси асосида жорий таъмирлаш бўйича), электрон ўтказилган танлаш натижалари юзасидан танлаш иштирокчилари эътиrozлари муҳокамаси.

2. Якуний хуласа асосида танлаш ғолибини маълум қилиш ва ушбу пурдат ташкилоти билан тегишли тартибда шартнома тузиш

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Комиссия раиси И. Худойназаров сўзга чишиб, Товар хом-ашё биржаси маҳсус ахборот парталида Қарши тумани Навоий МФЙ худудидаги Ибн Сино кўчаси ички йўлларини "Менинг йўлим" лойихаси асосида жорий таъмирлаш бўйича жойлаштирилган (энг яхши таклифларни танлаб олиш) эълони мuddати 2022 йилнинг 26 август кунидаги якунланганини айтиб ўтди. Шунингдек 2022 йилнинг 30 август кунидаги харид комиссияси котиби томонидан, талаборлар таклифлари (электрон харид тизими орқали) тўлиқ баҳоланганини ва комиссия таркиби овоз бериш натижасига кўра якуний баллар асосида электрон танлаш баённомаси шакллантирилганлигини яна бир бор маълум килди.

У ўз сузини давом эттириб, мазкур танлаш жараённида жами 3 нафар иштирокчи ўз пурдат ишлари таклифи билан катнашиб, овоз бериш натижасига кўра 94.93 балл билан Қарши шахар "NASAF OMAD YOL QURILISH" MCHJ танлаш ғолиби бўлганилиги, ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 20.05.2022 йилги №276 сон Қарори асосида ишлаб чиқилган "Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлик тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 98-бандига мувофиқ, 2 иш куни, яъни 2022 йилнинг 5 сентябрь (31 август ва 5 сентябрь) санаасигача бўлган муддатларда муҳокама қилиш учун ахборот парталида жойлаштирилганлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан кейин, Ободонлаштириш бошқармаси Тех низоратчиси И.Исломов сўз олиб, юкорида кўрилаётган №22110012140491 лот рақамли энг яхши таклифларни танлаш эълонига мувофиқ, Қарши тумани Навоий МФЙ худудидаги Ибн Сино кўчаси ички йўлларини "Менинг йўлим" лойихаси асосида жорий таъмирлаш ишлари бўйича, ўтган 2 иш куни даврида, танлаш иштирокчилари томонидан ҳеч қандай эътиrozлар келиб тушмаганлигини ва танлаш натижаларидан норозилик холатлари юзага келмаганлигини маълум килди.

Комиссия аъзолари юкоридаги фикрларни тасдиқлаган холда, танлаш натижасига кўра ғолиб деб топилган Қарши шахар "NASAF OMAD YOL QURILISH" MCHJ томонидан таклиф этилган барча танлаш хужжатлари, эълонда сўралган талабларга мувофиқлигини инобатга олиб, ушбу пурдат ташкилоти билан шартнома имзолашни таклиф килдилар.

Хайъат аъзоларининг таклифлари, фикр мулоҳазалари ва тавсияларидан келиб чккан холда танлов хайъати томонидан

ҚАРОР КАБУЛ КИЛИНДИ.

1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ, электрон баённома расмийлаштирилгандан сўнг, иккى иш куни муддатида танлаш иштирокчиларидан ҳеч қандай эътиrozлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб, Қарши шахар "NASAF OMAD YOL QURILISH" MCHJ, 220 000 000 (икки юз йигирма миллион) сўмлик пурдат ишлари таклифи билан, энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича танлаш ғолиби деб тан олинсин ва кўзда тутилган маблағлар хисобидан мазкур ташкилот билан тегишли тартибда пурдат шартномаси имзолансин.

2. Қарши шахар "NASA OMAD YO'L QURILISH" MCHJ томонидан бажариладиган қурилиш таъмирлаш ишларини сифатли бажарилишини назорат килиш, шунингдек таъмирлаш ишлари тугалланган обеъктни қабул қилиб олиш, Ободонлаштириш бошкармаси бошлиги Д.Даминов ва Тех назоратчиси И.Исломовлар зиммасида колдирилсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни карори ижросини назорат қилиш, Қарши туман Ободонлаштириш бошкармаси бошлиги Д. Даминов зиммасида колдирилсин

4. Бажарилиши кўзда тутилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари юзасидан, яъни уларнинг сифати, нархи, қабул далолатномалари ва бошқа хужжатларнинг хаққоний расмийлаштирилиши, танлаш ўтказиш мезонларига амал килингандиги, манфаатлар тўкнашувига йўл кўйилмагандиги, маблагларни мақсадли сарфланиши, таъмирлаш ишларининг давлат стандарти даражаси талабларнiga жавоб берishi, ахборот парталида берилган эълон талабномасининг хаққонийлиги, Фазначилик бўлинмасига пуррат ишлари бўйича электрон жўнатиладиган барча турдаги хужжатларнинг қонунийлиги ва бошқа холатлар назорати мазкур комиссия аъзолари ва Қарши туман Ободонлаштириш бошкармаси раҳбарияти зиммасида колдирилсин.

Комиссия раиси
Ободонлаштириш бошқармаси механизги

И. Худойназаров

Комиссия аъзолари
Ободонлаштириш бошкармаси Тех назоратчиси

И. Исломов

Ободонлаштириш бошқармаси Инфратузилма
обеъектларидан фойдаланиш бўлими бошлиги

И. Хасанов

Ободонлаштириш бошқармасининг
Техника хаефсизлиги мухандиси

О. Шербоев

Ободонлаштириш обеъектларини сақлаш бўлими бошлиги

М. Турсунов